

I



## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI TOSHKENT VILOYATI HOKIMINING QARORI

2021 йил «26» ноябрь

246-10-0-Q/21

Тошкент вилояти хокимилиги

**“Яшил макон” умуммиллий лойиhasини хаётга татбиқ этиш, экологик вазиятни яхшилаш ҳамда кўчат экиш ишларини ташкил этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида**

Вазирлар Махкамасининг 2021 йил 15 ноябрдаги 694-ф-сон фармойишининг ижросини таъминлаш, атроф мухитни мухофаза қилиш соҳасидаги устувор вазифалар ва бу йўналишдаги муаммоларни бартараф этиш ҳамда худудларда 2021 йил куз ва 2022 йил баҳор мавсумларида кўкаламзорлаштириш, манзарали, мевали дарахт ва бута кўчатларини экиш ишларини тизимли ва уюшқоклик билан ташкил этиш мақсадида, **қарор қиламан:**

1. Вазирлар Махкамасининг 2021 йил 15 ноябрдаги 694-ф-сонли фармойиши ижро учун қабул қилинсин.

2. Вазирлар Махкамасининг мазкур Фармойиши билан шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари, автомобиль йўллари четлари, ижтимоий объектлар, ташкилотлар худудини ҳамда фермер хўжаликлари экин ер майдонлари четларини янада кўкаламзорлаштириш тўғрисидаги тақлифлар маъқулланганлиги инобатга олинсин.

3. Қуйидагилар:

2021 йил куз ва 2022 йил баҳор мавсумларида манзарали, мевали дарахт ва бута кўчатлари ҳамда қаламчаларини экишнинг прогност кўрсаткичлари 1 ва 2-иловаларга мувофиқ;

2021 йил куз ва 2022 йил баҳор мавсумларида экиш учун кўчат ва қаламчалар етказиб беришнинг прогност кўрсаткичлари 3-иловага мувофиқ;

манзарали, мевали дарахт ва бута кўчатлари ҳамда қаламчаларини шартнома асосида етказиб бериш ҳамда экиш ишларини мувофиқлаштирувчи вилоят ишчи гуруҳи таркиби 4-иловага мувофиқ;

манзарали, мевали дарахт ва бута кўчатлари ҳамда қаламчаларини шартнома асосида етказиб бериш ҳамда экиш ишларини мувофиқлаштирувчи туманлар ва шаҳарлар ишчи гуруҳларининг намунавий таркиби 5- ва 6-иловаларга мувофиқ;

фермер хўжаликларининг ташаббуси асосида дала четларига экиш прогност кўрсаткичлари 7-иловага;

сув хўжалиги объектлари атрофи, канал, арик ва зовурлар бўйларига экиш прогност кўрсаткичлари 8-иловага;

аҳоли хонадонлари ва маҳаллалар ички йўллари ёқаларига ўз ташаббуслари билан экиш прогност кўрсаткичлари 9-иловага;

пахта-тўқимачилик кластер корхоналарининг худудлари ва ўзларига бириктирилган ер майдонларида ўз ташаббуслари асосида “Яшил худуд” ташкил қилиш бўйича прогноз кўрсаткичлар 10-иловага;

пиллани қайта ишлаш корхоналарига ажратилган ер майдонларида ўз ташаббуслари асосида экиш прогноз кўрсаткичлари 11-иловага;

туман ва шаҳарлар худудларида 2021 йил куз ва 2022 йил баҳор ойларида манзарали, мевали дарахт ва бута кўчати ва қаламчаларни етказиб бериш ва экиш ишларини ташкил этиш бўйича тавсиявий хусусиятга эга вақтинчалик тартиб 12-иловага;

кўчат ва қаламчаларни шартнома асосида етказиб бериш, экиш ва далолатномалар асосида қабул қилиш бўйича вилоят ишчи гуруҳларининг намунавий таркиби 13-иловага;

экиш ишларини мониторингини юритиш бўйича вилоят тезкор гуруҳи таркиби 14-иловага;

вилоят туманларида 2021 йил куз-киш ва 2022 йил баҳор ойларида манзарали ва мевали дарахт кўчатларини маҳаллий шароитга мослигини танлаб берувчи ишчи гуруҳ, сифатли экилишини назорат қилувчи ишчи гуруҳ ҳамда сув билан таъминлаш бўйича ташаббускорлар томонидан тузилган ишчи гуруҳ таркиблари 15-17-иловаларга мувофиқ маъқуллансин.

4. Қуйидагилар вилоят ва туман (шаҳар)лар худудий ишчи гуруҳларининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

худудларда кўчатларни сотиб олиш юзасидан шартномалар тузиш, тўловларни олдиндан амалга ошириш, кўчат етказиб бериш ва экиш бўйича кунлик мониторинг юритиш;

кўчат экиш ва уларни тўлик ундириб олиш учун суғориш ишларини ташкил этиш бўйича юзага келадиган муаммоларни тезкор ҳал этиш;

ҳар ҳафтанинг жума куни худудларда кўчат экиш бўйича таҳлилий маълумотларни республика ва вилоят ишчи гуруҳларига киритиш;

экилган кўчатларни парваришлаш, уларни пайхон қилинишдан сақлаш юзасидан мониторинг олиб бориш;

ҳар ҳафтада худудий ишчи гуруҳи томонидан таҳлилий маълумотларни вилоят ҳокимига тақдим этиш.

5. Вилоят экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси (Б.Жўраев), вилоят ўрмон хўжалиги бошқармаси (М.Позиллов), шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари ҳамда тегишли бошқарма ва ташкилотлар билан биргаликда:

белгиланган тартибда 2021 йил куз ва 2022 йил баҳор мавсумларида экиладиган дарахт кўчатлари тўғрисидаги маълумотларни “kuchat2021.uz” ягона электрон базаси негизида шакллантирсин ҳамда уларнинг ушбу базага мунтазам киритиб борилишини ташкил этсин;

мазкур фармойишда назарда тутилган кўчатларни сотиб олиш юзасидан шартномалар тузиш, тўловларни амалга ошириш, кўчат етказиб бериш, экиш бўйича вилоят микёсида кунлик мониторинг юритиш ҳамда жойларда экилган кўчатларнинг ҳолати тўғрисида ҳар ҳафтанинг жума кунлари республика ва вилоят ишчи гуруҳларига таҳлилий-танқидий ахборот тақдим этиб борсин;

экилган дарахт кўчатларини мавсум давомида парваришлаш, уларни зараркунандалардан химоя қилиш ва пайон этилишининг олдини олиш устидан таъсирчан назорат ўрнатсин.

6. Вилоят ўрмон хўжалиги бошқармаси (М.Позиллов), Фанлар Академиясининг Ботаника

институту ҳузурдаги академик Ф.Н.Русанов номидаги Тошкент Ботаника боғи, Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти билан биргаликда, шаҳар ва туман ҳокимликлари белгиланган микдордаги кўчатлар ҳамда қаламчаларнинг уларни олиш истагини билдирган вилоят ҳудудларидаги барча хўжалик бирлашмалари ва ташкилотларга шартнома асосида етказиб берилишини таъминласин.

7. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (М.Файзиев), туман ва шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда:

мазкур фармойишга мувофиқ бир ҳафта муддатда 2021 йил куз ва уч ой муддатда – 2022 йил баҳор фаслида кўчат экиш ҳажмлари бўйича манзилли дастурни тасдиқласин;

туман ва шаҳар марказларида архитектура ва ландшафт-дизайн талаблари асосида шаҳарга кўрк берувчи манзарали кўчатларни экиш чораларини кўрсин;

маҳалла, кишлоқ, аҳоли яшаш пунктлари, кўп қаватли бинолар ва уй-жойлар, ҳовлилар атрофи, гузарлар, хиёбонлар, зиёратгоҳ ва қабристонлар, автомобиль ва темир йўллари атрофи, шунингдек, кишлоқ хўжалиги ерларида (ихота) ҳамда ўрмон фонди ерларида манзарали дарахт ва бута кўчатларини экиш талбирларини уюшқоқлик билан ўтказсин;

туманлар ҳокимликлари захирасидаги ер майдонларида, кишлоқ хўжалиги экинлари экилган ер майдонларининг четларида, дарё қирғоқбўйи минтақаси муҳофаза зоналарида павловния, тут, чинор ва бошқа тез ўсувчи дарахтлар кўчатларининг экилишига алоҳида эътибор қаратсин;

кўчат экилган объектларга масъулларни бириктириш, улар томонидан кўчатларни мавсум давомида парваришlash, уларни касаллик ва зарарқундалардан ҳимоя қилиш ҳамда пайхон этилишининг олдини олиш, шунингдек, мавсум якунида кўчат экилган ҳудудларни ер эгаларига топшириш, яъни кўчат экилганлиги тўғрисида баённома расмийлаштириш орқали тегишли ҳужжатларга ўзгартириш киритиш чораларини кўрсин.

8. Вилоят ўрмон хўжалиги бошқармаси (М.Позилов), вилоят ички ишлар бош бошқармаси (Т.Арипов), “Тошвилбозорсавдо” акциядорлик жамиятлари уюшмаси (А.Абдулхаев) билан биргаликда кўчат етказиб берувчи тадбиркорлик субъектларини жалб этган ҳолда хўжалик бирлашмалари ва аҳоли учун кўчатларни тизимли етказиб бериш мақсадида, бозорлар ва бошқа қулай манзилларда кўчат сотиш нуқталарини ташкил этсин.

9. Вилоят маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси (И.Ибрагимов) ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси (М.Мирсултонов) кўкаламзорлаштириш тадбирларига аҳолининг барча қатламлари, айниқса, ёшларнинг кенг жалб этилишини таъминласин.

10. Қуйидагилар:

шаҳарлар ва туманлар марказларида манзарали, мевали дарахт ва буталар кўчатлари экишга – вилоят ободонлаштириш бош бошқармаси бошлиғи А.Аденов ҳамда туман (шаҳар) ҳокимлари;

корхоналар ва хизмат кўрсатиш соҳалари ҳудудларига экишга – вилоят ҳокимининг молия-иктисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари М.Файзиев;

ижтимоий соҳа (мактаб, касалхона, ўқув юртлари) объектлари ва ташкилот ҳудудларига экишга – вилоят ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари З.Миргазиева;

туман ва шаҳарлардаги ободонлаштириш бошқармалари тасарруфидаги ҳудудлар ва коммунал соҳа объектлари ҳудудлари ҳамда чикиндихоналар атрофига экишга – вилоят ҳокимининг шаҳарлар инфратузилмасини ривожлантириш, ободонлаштириш ва коммунал хўжалик масалалари

бўйича ўринбосари Б.Мелнев;

туман ва шаҳарлардаги ҚФЙ, МФЙ ҳудудлари, аҳоли хонадонлари ва уларнинг атрофида дарахтлар экишга, вилоят ҳокимининг ўринбосари – маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи И.Ибрагимов ва фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари вилоят кенгаши раиси Р.Касимов;

спорт мажмуалари, туризм ва маданий мерос объектлари, масжидлар ҳамда зиёратгоҳлар ҳудудларида экишга – вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Ж.Бабажанов ва З.Ҳилоятов;

ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига тегишли ҳудудлар ҳамда ҳарбий қисмлар ҳудудларига экилишини ташкил этишга – вилоят ҳокимлиги ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти, ҳарбий сафарбарлик ва фавқулодда вазиятлар масалалари бўйича гуруҳи раҳбари Р.Қуралов;

фермер хўжаликлари дала майдонлари атрофида кўчатларни экишга – туман сектор раҳбарлари;

сув хўжалиги объектлари, канал, ариқ ва зовурлар бўйида тут, манзарали ва бута кўчатлари экишга – “Чирчик-Оҳангарон” ИТХБ бошлиғи Ж.Абдураззоков;

пахта-тўқимачилик ва ғаллачилик кластер корхоналари ҳудудлари ва бириктирилган ер майдонларига кўчатларни экишга – вилоят кишлок хўжалиги бошқармаси бошлиғи Ш.Дўсбеков ҳамда кластер корхона раҳбарлари;

пиллани қайта ишлаш корхоналарининг ва фермер хўжалиқларининг ер майдонларига тут кўчатларни экишга – “Тошкент агропилла” МЧЖ раҳбари А.Бойқобилов;

вилоятдаги умумфойдаланишдаги автомобиль йўллар ёқасига манзарали дарахтларни экишга – вилоят ҳокимининг қурилиш ва коммуникациялар масалалари бўйича ўринбосари Ш.Ҳақимов ҳамда вилоят автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармаси бошлиғи Ж.Бекмурзасв;

кишлоқ хўжалиги ерлари ва ўрмон хўжаликлари ҳудудларида ихота, манзарали ва мевали кўчатларни экишга – вилоят ўрмон хўжалиги бошқармаси бошлиғи М.Позилов ва вилоят ўрмон хўжаликлари раҳбарлари;

экилган кўчат ва қаламчаларни далолатномалар асосида қабул қилинишига – агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг вилоят бошқармаси бошлиғи С.Содиқов, вилоят молиявий назорати бошқармаси бошлиғи С.Худойбердиев ҳамда вилоят экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи Б.Жўраев шахсан масъул эканлиги белгилаб қўйилсин.

11. Вилоят ҳокимининг матбуот қотиби – ахборот сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси (Х.Жумаев), вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси (З.Эралиева), “Тошкент ҳақиқати” (“Ташкентская правда”) вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти (Ғ.Шералиев) кўкаламзорлаштириш тадбирларининг аҳамияти ва уни амалга ошириш жараёнини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари М.Файзиев зиммасига юклансин.

Тошкент вилояти ҳокими в.б.



З.Мирзаев